

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ УЧКУН ЭРГАШЕВИЧ

**МАСАЛА ВА МАШҚЛАР ОРҚАЛИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рахматов Учкун Эргашевич

Масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш..... 3

Рахматов Учкун Эргашевич

Совершенствование профессиональной компетентности учителей биологии общеобразовательных школ посредством задач и упражнений.. 23

Rakhmatov Uchkun Ergashevich

Improving the professional competence of biology teachers in secondary schools by solving problems and exercises..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ УЧКУН ЭРГАШЕВИЧ

**МАСАЛА ВА МАШҚЛАР ОРҚАЛИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Ped351 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахмурова Гульнара Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Юсуп Ғаниевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Отенова Фарида Толегеновна
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» август куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu.info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№42-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «30» июльдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



М.А.Жуманов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

А.И.Курбанова
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

Я.И.Аметов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим мазмуни ва сифатини тубдан ислоҳ қилиш, шу асосда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш муҳим стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Таълим тизимига эътибор барча тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш учун пойдевор экани эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштирилган тамойилларни босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, шунингдек, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, интеллектуал ривожланган ёш баркамол авлодни тарбиялаш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини баҳолаш мезонларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барча фанлар, жумладан, биология фанини чуқур ўрганиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга, мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва ўқув адабиётлари сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши, умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълимнинг ташкил этилиши, шунингдек, республикамизнинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган таянч мактаблар ҳамда мамлакатимиз туман (шаҳар)ларида кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши, ўз навбатида, умумий ўрта таълим мактабларининг кимё ва биология ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштиришга бўлган янги эҳтиёжларни келтириб чиқарди.

Мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг касбий даража ва малакалари, касбий-педагогик компетентлигини замон талабларига мос ҳамда узлуксиз равишда такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонлари, 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сон, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4805-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар таълим тизимида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, мамлакатимиз педагог-олимларидан Ж.Йўлдошев, А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Н.Азизхўжаева, Ф.Юзликаев, Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Н.Гаипова, М.Қодиров, Б.Мирзахмедов, Ю.Маҳмудов, М.Қурононов, О.Қўйсинаев, Қ.Абдуллаева кабилар таълим муассасаларида компетенциявий ёндашувнинг айрим таркибий қисмлари ҳисобланган таълимда мустақил ва ижодий ёндашув, мантиқий тафаккурни ривожлантириш, таълим технологиялари, компьютер саводхонлиги, касбий компетентлик ва экспериментал кўникмаларни такомиллаштиришга оид илмий ишлар олиб борган.

Касбий ва амалий компетенциялар, компетентлик, ўқитувчи компетенцияларини шакллантириш ҳамда мониторингига оид илмий-педагогик қарашлар У.И.Иноятов, Б.Х.Ходжаев, Д.Ж.Шарипова, Б.А.Назарова, М.М.Ваҳобов, Б.Рахимов, Б.Р. Джураева, Ж.Э.Усаров кабиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва олий таълим муассасаларининг педагогик ходимлари малакасини ошириш муаммолари Н.Муслимов, Ж.Толипова, Ш.Шарипов, Р.Исянов, Қ.Абдуллаева, К.Зарипов, Ш.Мардонов, М.Жуманиёзова, Р.Жўраев, М.Юлдашев, Н.Раҳмонқулова, А.Баҳромов, А.Закиров, Ф.Тошева, З.Маматқулованинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш, биология ўқитиш концепциясини яратиш, узлуксиз таълим тизимида биологиядан масала ва машқлар, фанлараро боғланишларни амалга ошириш ҳамда халқаро баҳолаш дастурлари асосида биология фанларини ўқитишнинг илмий-назарий

асосларини такомиллаштириш муаммоларлари доирасида А.Т.Ғофуров, С.С.Файзуллаев, О.Мавлонов, Ж.О.Толипова, Г.А.Шахмурова, И.Т.Азимов, Г.С.Эргашева, А.К.Рахимов каби соҳа мутахассислари махсус тадқиқотлар олиб борган.

Ўқитувчиларни касбий маданиятга қизиқтириш ва уларда касбий компетентликни такомиллаштириш муаммолари ҳамда халқаро баҳолаш дастурлари бўйича МДХ ва хорижий давлатлардан О.А.Козирева, Э.Ф.Зеер, А.А.Киверялг, А.К.Маркова, В.А.Якунин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, М.И.Лукьянова, Б.Е.Бершадский, О.Е.Лебедев, А.В.Рубцова, С.Уиддетт, В.В.Сериков, А.К.Колесников, А.И.Санникова, И.В.Гришина, Р.Х.Тугешев, Ю.Г.Татуар, В.Кан-Калик, В.Разумовский, Г.Г.Никифоров, Г.М.Попова, М.М.Боднарук, С.Ю.Модестов, В.С.Аванесов, А.Ю.Пентин, Г.С.Ковалева, Н.С.Кошеленко каби олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Шунингдек, биология фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ривожланган хорижий мамлакатлар олимлари M.Berkman, V.Bishop, J.Miller, M.Clores, E.Kose томонидан ўрганилган.

Педагог олимлар жамоаси томонидан ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги муаммоси билан боғлиқ кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, биологиядан масала ва машқлар, халқаро баҳолаш дастурлари орқали биология ўқитувчиларининг табиий-илмий саводхонлиги ҳамда касбий компетентлигини такомиллаштириш махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика унверситети илмий-тадқиқот ишлари режаси А-1-230 - “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини яратиш” номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касбий компетентликни такомиллаштиришда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги алоқани таъминлаш, таълим муҳитида масала ва машқлар ишлаш бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш, масала ва машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланмаларини яратиш ва улардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

халқаро баҳолаш дастурлари асосида биология ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш;

биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган биологиядан масала ва машқлар, тест торшириқлари тўпламларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда олинган натижаларни математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилиш;

ижодий муҳит яратувчи ёндашувларга (биология ўқитувчиларининг касбий компетентлиги даражалари шаклланганлиги кўрсаткичларининг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонлари) таянган ҳолда, табиий фанларни интеграциялаш асосида биологиядан масала ва машқлар ишлаб чиқиш методикасини такомиллаштириш орқали ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларидан 470 нафар тингловчи жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш тизимида масала ва машқлардан фойдаланиш шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога оид биологик, методик, психологик, педагогик, дидактик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш; ДТС, ўқув дастури ва ўқув режалари, дарслик, ўқув қўлланмаларни ўрганиш; ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, мониторинг, биологиядан масала ва машқлар, тест, PISA топшириқлари), педагогик тажриба-синов, натижаларни математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқитувчилар касбий компетентлигини такомиллаштириш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги алоқа таъминланган, таълим муҳитида масала ва машқлар ишлаш бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилган, масала ва машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланмалар яратилган ва улардан самарали фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган;

халқаро баҳолаш дастурлари асосида биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг методик тизими ишлаб чиқилган;

биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган биологиядан масала ва машқлар, тест топшириқлари тўпламлари ишлаб чиқилган, амалиётга татбиқ этилган ҳамда олинган натижалар математик статистика методларидан фойдаланиб таҳлил қилинган;

ижодий муҳит яратувчи ёндашувларга (биология ўқитувчиларининг касбий компетентлиги даражалари шаклланганлиги кўрсаткичларининг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонлари) таянган ҳолда табиий фанларни интеграциялаш асосида биологиядан масала ва машқларни ишлаб чиқиш методикасини такомиллаштириш орқали ўқитувчилар касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биологиядан масала ва машқларни ечишга методик ёндашув, “компетентлик” ва “касбий компетентлик” каби тушунчалар мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан талқин қилинган;

умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш омили сифатида ҳудудий марказ тингловчилари учун “Биология фанини ўқитиш методикаси”, “Танлов ўқув модули”, “Биология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” фанларидан ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилган ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари амалиётига жорий қилинган;

биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш омили сифатида “Биологиядан масала ва машқлар ечиш (Цитология ва генетика асослари)” ўқув курслари бўйича ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ҳамда биологик таълим амалиётига жорий қилинган;

умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштириш мақсадида “Биологиядан масала ва машқлар ечиш” номли ўқув қўлланма ва электрон дарслик яратилган ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари, олий таълим муассасалари амалиётига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимларининг илмий ва илмий-методик тадқиқот ишлари, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибаларига асосланилгани, тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган адекват методлар қўллангани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК тавсия этган журналлар ҳамда хорижий нашрларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланмалар, электрон дарслик ва уларга тақризлар, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти масала ва машқлар ечиш орқали умумтаълим мактаблари биология ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштириш мазмуни; ўқитиш методлари, воситалари ҳамда шакллари аниқлаш мезонлари шакллантирилгани, биология таълимининг самарадорлик кўрсаткичи оширилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биология ўқитувчилари ўз фанига бўлган қизиқишлари, масала ва машқлар ечиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали касбий компетентликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалардан умумий ўрта таълим мактаблари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узлуксиз таълим тизимига биологиядан масала ва машқларни татбиқ этиш, биология ўқитувчисининг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касбий компетентликни такомиллаштириш, биологиядан масала ва машқлар ишлаш, улардан самарали фойдаланиш методикасига оид таклиф ва тавсиялар “Биология” ўқув фани бўйича Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган ҳамда “Биологиядан масала ва машқлар ечиш (Цитология ва генетика асослари” номли ўқув қўлланма яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4199-сон маълумотномаси). Натижада, биология ўқитувчиларининг узлуксиз малака ошириш жараёнида касбий компетентлиги такомиллаштирилган, “Биология” фани бўйича ўқув-методик таъминот ва таълим захираларини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилган;

ижодий муҳит яратувчи ёндашувларга (биология ўқитувчилари касбий компетентлиги даражалари шаклланганлиги кўрсаткичларининг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонлари) таянган ҳолда, табиий фанларни интеграциялаш асосида биологиядан масала ва машқлар ишлаб чиқиш методикасини такомиллаштиришга оид таклифлардан ЁА-6-1 рақамли “Ботаника” ўқув қўлланмасини яратиш” номли ёш олимлар амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4199-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг масала ечиш ва машқлар бажаришда иждоий тафаккурини ривожлантириш имконияти яратилган;

халқаро баҳолаш дастурлари асосида биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш, биология ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган биологиядан масала ва машқлар, тест топшириқларига оид таклиф ва тавсиялар асосида “Биологиядан масалалар ва машқлар ечиш” номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 26-сон буйруғи билан тасдиқланган 26-012-сон гувоҳнома). Натижада, табиий фанларни интеграциялаш асосида биология ўқитиш жараёнини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий-методик, жумладан, 1 та электрон дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 4 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 136 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Масала ва машқлар орқали умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида биология ўқитувчисининг касбий-педагогик сифатини тубдан ошириш бевосита биология таълими мазмуни билан боғлиқлиги таъкидланган. Биология ўқитувчисининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида педагогик ва илмий билимларни биологиядан масала ва машқлар ечишга асосланган интеграцион таълим жараёни самарадорлиги ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишга хизмат қилиши илмий асосланган. Олий таълим муассасалари (ОТМ) ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқ марказларида биология ўқитувчи-ларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш учун зарур педагогик шароитларни яратиш, биология ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни, тузилмасини модернизациялаш, педагогик-психологик шароитларни аниқлаш ва уни назорат қилиш ҳамда баҳолаш механизмларини замон талабларига мос ҳолда ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари аниқланган.

Олиб борилган тадқиқот давомида назарий манбалар мазмуни билан бевосита танишиш, олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқ марказлари фаолиятини ўрганиш, тўпланган далилларни синчиклаб ўрганиш, умумтаълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида бир қатор, хусусан:

ОТМ битирувчиларининг маълумоти даражаси билан Давлат таълим стандарти (ДТС) Малака талабларининг (МТ) модернизациялашган мазмуни ва ҳажмига қўйилаётган меъерий талаблар ҳамда уларнинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш даражаси ўртасида;

ўқитувчи шахси ва унинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ОТМ фаолияти билан

талабани бўлажак ўқитувчи сифатида тайёрлаш жараёнини ривожлантириш механизми ва қонуниятлари ўртасида;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида биология ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида қўлланаётган анъанавий ва инновацион методлар ўртасида;

биология ўқитувчиси шахсий ҳамда касбий компетентлигини такомиллаштириш борасида педагогик фанларни умумкасбий ва мутахассислик фанлари билан интерациялашга бўлган талаблар ва ундан етарлича фойдаланилмаётгани ўртасида;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳудудий марказлари ўқув режаларидан ўрин олган фанлар мазмуни ўртасида қарама-қаршиликлар аниқланди.

Юқорида санаб ўтилган қарама-қаршиликларни бартараф этиш йўллари-дан бири – бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди. Биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш ОТМ, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқ марказларида касбий шу билан бирга шахсий компетентлигини таъминлаш учун зарур педагогик шароитлар яратиш, биология ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни, тузилмасини модернизацциялаш, педагогик-психологик шароитларни аниқлаш ва уларни назорат қилиш, баҳолаш механизмларини замон талабларига мос ҳолда ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини такомиллаштириш асосий мақсад сифатида белгиланди.

Биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш уларнинг касбий фаолиятда ўз ўрнини топиши, муайян мавқега эга бўлиши, айти пайтда касбий муносабатларида психологик, педагогик, методик, дидактик, илмий ёндашувлар тизими билан бевосита боғлиқ. Ўқитувчи компетентлиги деганда, фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий кўникма, малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш қобилияти назарда тутилади.

Биология ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини аниқлашга қаратилган изланишларда “компетентлик” тушунчаси моҳиятининг ёритилиши таҳлил қилинди. “Компетентлик” тушунчасининг мавжуд таърифларидан келиб чиқиб, биология ўқитувчиси фаолиятидаги компетент ёндашув моҳияти қуйидагича талқин этилди: компетент ёндашув – биология ўқитувчиларининг касбий фаолияти мазмунида кўзда тутилган асосий ва қўшимча педагогик функциялар ҳамда таълим олувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги кўникма, малакаларни самарали қўллашга ўргатиш, таълим олувчининг ташаббуси ва ички имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш жараёни. Умумтаълим мактаби биология ўқитувчиси фаолиятининг мазмуни бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган билим даражаси, тажриба ва кўникмаларни ривожлантиришда муҳим таркибий (психологик, дидактик, услубий, тарбиявий ва коммуникатив) элементлардан ташкил

топган. Педагогик таълим назарияси ва амалиётида ўқитувчининг касбий такомиллашув жараёни касбий мослашув, малака ошириш, компетентлик ва педагогик маҳоратнинг шаклланишини ўз ичига олади.

Тадқиқот давомида хорижий ва мамлакатимиз педагогларининг касбий компетентликка оид қарашлари таҳлил қилинди ва муаллифларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундаши таъкидланди.

Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади (1-расмга қаранг).



1-расм. Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар моҳияти

Мазкур бобда биология ўқитувчиларининг касбий фаолиятини моделлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлили асосида таълим сифатини бошқаришда умумтаълим мактаби биология ўқитувчиси компетентлигини шакллантириш тузилмаси ишлаб чиқилган.

Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўзини ўзи изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Тадқиқотда таълим дастурида педагогда мавжуд бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган сифат, БКМни аниқ, холис ифодалаш мумкинлиги очиқ берилган.

Биология ўқитувчилари касбий компетентлигини масала ва машқлар орқали такомиллаштиришнинг амалиётдаги ҳозирги ҳолати ёритилган. Биологиядан масалалар ечиш ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, мантиқий фикрлашини, биология курсидан олган билимларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида муҳим саналади. Биологиядан масалалар ечиш умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг амалий ҳаётда зарур бўладиган муҳим компетенцияларидан бири экани илмий асосланган. Шунингдек, умумтаълим мактаблари биология ўқитувчиларини масала ва машқлар орқали ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш омили экани кўрсатиб берилган.

Биологиядан масала ва машқлар ечиш жараёнида ўқитувчи локал педагогик технологиялар: “*Кейс-стади*”, “*Инсерт*”, “*Кластер*”, “*Венн диаграммаси*”, “*Ақлий ҳужум*”, “*Кичик гуруҳларда ишлаш*”, “*Атамалар занжири*”, “*Атамалар варағи*”, тезкор ўйинлар ва ўйин-машқларнинг турли шаклларида фойдаланиши тавсия этилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини масала ва машқлар орқали такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида муаммони ҳал қилишга доир концептуал-педагогик ёндашув шакллантирилди, биология ўқитувчиларининг дарс жараёнида масала ва машқлардан фойдаланишга қизиқишини шакллантириш билан бир қаторда касбий компетенциясини ошириш имкониятлари аниқланди. Тадқиқотнинг назарий-педагогик ва амалий асослари ишлаб чиқилди. Биология ўқитувчиларининг биологиядан масала ва машқларни ечишга қизиқишини самарали шакллантириш касбий улар компетентлигини такомиллаштиришнинг таъсирчан воситаси сифатида асосланди.

Мазкур бобда муайян концептуал-педагогик ёндашув асосида ишлаб чиқилган масала ва машқларнинг ўқитувчилар касбий компетентлигини оширишдаги аҳамияти ёритилган. Биологик масала ва машқлардан дарс жараёнида фойдаланиш тажрибасини шакллантириш ва бойитишга илмий асосланган талаблар мавжуд бўлиб, уларга риоя этиш ўқитувчи касбий компетенциясини ошириш имконини беради.

Тадқиқот ишида биология ўқитувчиларининг биологиядан масала ва машқларга бўлган қизиқишини шакллантириш босқичлари тақдим қилинган, назарий-педагогик асослари, тадқиқотнинг мақсадга йўналтирилган педагогик

тамоийллари, педагогик тизими ва унинг босқичлари белгиланган. Шунингдек, биология таълимида фойдаланиладиган масала ва машқлар турлари ва танлаб олиш мезонларига доир ўқув-тарбиявий ишларни мазмун ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш ўқувчиларнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларини шакллантириш учун кенг имконият яратиши кўрсатиб берилган. Биология таълимида масала ва машқларнинг мураккаблик даражасига қараб тасниф қилиниши ва шу мезонларга қараб танлаш мазмуни ёритилган.


Биология фанларини ўқитишда фанлараро масала ва машқлар ечиш орқали фанлараро боғланишнинг методик хусусиятларига эътибор қаратилади. Биология таълимининг самарадорлигини ошириш ва ўқувчи маълум даражада ўз олдига қўйган биологик мақсадларга эришиши, таянч компетенциялардан табиий-илмий саводхонлигини оширишда масалалар ўзига хос ўрин тутди. Тадқиқотда биология дарсларида масалалардан кўпроқ фойдаланишни йўлга қўйиш ва улардан фойдаланиш методларини ишлаб чиқиш биология ўқитиш методикасининг долзарб вазифаларидан бири сифатида асослаб берилган. Биология ўқитувчилари масалалар ечиш методикасини тўғри йўлга қўйиши натижасида ўқувчилар биологик билимларни юқори даражада ўзлаштириш ҳамда биологик ҳодиса ва жараёнлар мазмунини ёритиш имконига эга бўлади. Ўқитувчи томонидан биологиянинг кўплаб тармоқлари: ботаника, зоология, анатомия, молекуляр биология каби соҳалар билан фанлараро алоқаларга оид масала ва машқларни танлаш мезонларига аниқлик киритилган (2-расмга қаранг).

Таълим жараёнида фанлараро алоқадорлик ўқитувчининг касбий компетентлиги, илмий-назарий ва илмий-методик тайёргарлиги орқали ўз фанини чуқур англаши асосида самарали амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи фақат ўзи дарс берадиган фаннигина чуқур ва пухта билиб қолмасдан, балки интегратив билимлардан ҳам хабардор бўлиши лозимлигига эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланганки, бу билимларнинг алоҳида турлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик шакллари эгаллашга ёрдам беради.

Биологияни кимё, физика, математика, информатика ва география фанлари билан боғлаб ўқитиш ўқувчиларнинг амалий ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини оширади.

Умумтаълим мактабларида биологик тушунчалар билан кимёвий ва физик тушунчаларни синхрон ва асинхрон боғлаб масалалар ечиш амалга оширилган.

Шунингдек, ОТМ ҳамда педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг қайта тайёрлаш тармоқ марказларида биология ўқитиш методикаси ўқув курсларида PISA дастури топшириқларининг қўйи, ўрта, юқори даражаларидан фойдаланиш ушбу дастур мазмун моҳиятини ўрганишда муҳим қадам ҳисобланади. Ўқувчиларда бу кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқитувчи шахси бирламчи вазифа бажариши очиб берилган.



2-расм. Биологиядан масала ва машқларни танлаш мезонлари модели

Биология ўқитувчиларида масала ва машқлардан фойдаланишга қизиқишни шакллантириш касбий компетентлик билан бир қаторда ижтимоий-коммуникатив тадбирлар: суҳбат, мулоқот, семинар, конференция, шунингдек, методик ишлар, ўқувчиларнинг ўз касбий-шахсий имкониятлари, касбий компетенциясини ошириш устида фаол ишлашнинг талаб қиладиган маърифий-билиш фаолияти кабиларда ривожлантирилган. Шу билан бирга, тадқиқотда қўлланган компетенциявий ёндашув негизда муаллифлик методикаси акс этирилган. Мотивацияга йўналтирилган касбий-шахсий асосда ахборот-билиш даражасида қамраб олинган. Биология ўқитувчилари технологик-педагогик мазмун ва ғоялар асосида коммуникатив маъруза, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган турли масала ва машқлардан фойдаланиш методикасини билиб олади.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида масала ва машқлар орқали умумтаълим мактаблари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалар таҳлили ёритилган.

Тажриба-синов ишлари 2015-2020 йиллар мобойнида уч босқичда ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг асословчи (2015-2016 йй.) босқичида биология ўқитувчилари масала ва машқлар ечиш орқали касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолатини назарий таҳлил қилинди, ўқитувчилар ўртасида анкета саволлари ва суҳбатлар ташкил этилди. Биологиядан масала ва машқлар ечиш имкони бўлган мавзулар бўйича ўқитувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришнинг мавжуд даражаси аниқланди.

Шакллантирувчи босқичда (2017-2018 йй.) биология ўқитувчилари масала ва машқлар ечиш орқали касбий компетентлигини такомиллаштириш ишларини таҳлил қилинди, респондент ўқитувчилар анкета сўровларини ташкил этиш асосида биологик масала ва машқлар ечиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва уларнинг сабабларини аниқланди, биология материаллари асосида биология дарсларида биологик масала ва машқлар, PISA топшириқларини тузиш ва ишлаш, стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузиш, биологияни ўқитишда фанлараро боғланишларни амалга оширишнинг методик тизимини яратилди, ишлаб чиқилган биологиядан масалалар ва машқларни ўқув жараёнига татбиқ этилди, ўқитувчилар томонидан берилган жавобларни статистик жиҳатдан таҳлил қилинди ҳамда биология ўқитувчилари масала ва машқлар ечиш орқали касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид методик тизим ишлаб чиқилиб ва уни тажрибадан ўтказилди.

Таъкидловчи босқичда (2019-2020 йй.) тажриба-синов ишларининг натижаларини умумлаштирилди, ва математик статистика методи ёрдамида тажрибадан олинган маълумотларни қайта ишланди ҳамда илмий ҳулосалар шакллантирилди ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Жиззах вилоятлари халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида олиб борилди ва уларда 470 нафар тингловчи иштирок этди. Тажриба ишлари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган биологик масала ва машқлар ҳамда PISA топшириқларини бажариш, кузатиш, суҳбат, анкета, мониторинг, тест каби методлар ёрдамида ўтказилди.

Тажриба-синов учун бир қатор илмий-методик ишланмалар ишлаб чиқилди. Уларда биология 5-6-7-8-9-10-11-синф дарсликларининг мавзуларига оид биологик масала ва машқлардан фойдаланишда инновацион технологиялар фойдаланиш имкониятлари, дарс ишланмалари, биологияни ўқитишда PISA топшириқларидан фойдаланиш методикаси ўз аксини топган.

Тадқиқот объектларидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази тингловчиларининг биологиядан масала ва машқлар ечиш ҳамда PISA халқаро дастурлари бўйича тузилган топшириқлар натижасида ўзлаштириш самарадорлиги қуйидагича ифодаланди (1- ва 2- жадваллар).

1-жадвал

**Биологик масала ва машқлардан фойдаланиб ташкил этилган
машғулотлардаги тингловчиларнинг баҳолари**

Фан номи	Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Баҳолар			
			“5”	“4”	“3”	“2”
Биология	Тажриба	236	38	154	41	3
		% да	16,1%	65,2%	17,4%	1,3%
	Назорат	234	20	70	135	9
		% да	8,5%	29,9%	57,7%	3,9%

2-жадвал

**Биологиядан PISA халқаро баҳолаш дастури топшириқлари асосида ташкил
этилган машғулотлардаги тингловчиларнинг баҳолари**


Фан номи	Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Баҳолар			
			“5”	“4”	“3”	“2”
Биология	Тажриба	236	40	132	60	4
		% да	17 %	56%	25,4%	1,6%
	Назорат	234	22	78	128	6
		% да	9,4%	33,3%	54,7%	2,6%

Биологик масала ва машқлардан фойдаланиб ташкил этилган машғулотлардаги тингловчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари самарадорлиги 1,15 баробарга, яъни 15% га ошганлигини кўрсатса, ноанъанавий таълим технологияларини қўллаш орқали биологиядан PISA халқаро баҳолаш дастури топшириқлари асосида ташкил этилган машғулотлардаги самардорлик 1,11 баробарга, яъни 11% га ошганлиги математик-статистик методлар орқали исботланди (3-жадвал).


3-жадвал

Ташкил этилган машғулотлар тури	Биологик масала ва машқлардан фойдаланиб ташкил этилган машғулотлардаги тингловчиларнинг баҳолари				Биологиядан PISA халқаро баҳолаш дастури топшириқлари асосида ташкил этилган машғулотлардаги тингловчиларнинг баҳолари			
Гуруҳлар	Тажриба		Назорат		Тажриба		Назорат	
ўртача қиймат	3,97	79,30%	3,44	68,70%	3,88	77,60%	3,5	69,90%
самарадорлик	1,15				1,11			
Хи квадрат	90,33				44,1			
критик қиймат	5,99				5,99			
танланма дисперсия	0,38		0,49		0,48		0,49	
стандарт хатолик	0,61		0,7		0,69		0,7	
Ишончли интервал	3,89		3,35		3,79		3,41	
	4,04		3,52		3,97		3,59	
Критерий хулосаси	H ₁				H ₁			


Тажриба-синов ишларида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичларининг барча белгиланган мезонлар асосида умумлаштирилган натижаларига кўра диаграммаси қуйида келтирилади (3-4-5-6-расмлар).




3-расм. Ўқув курслари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси



4-расм. PISA топшириқлари натижалари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси



5-расм. Ташкил этилган ўқув машғулотлари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси



6-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Диаграммадан кўриниб турибдики (6-расм), тажриба ўтказган гуруҳлардаги тингловчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши назорат гуруҳидагиларидан юқори эканлиги аниқланди. Тажриба гуруҳида олиб борилган тингловчилар биологияга оид масала ва машқлар ҳамда PISA топшириқларини фанлараро боғланишлар асосида таълим жараёнига татбиқ этилганда, тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси самаралироқ бўлиши исботланди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги алоқани таъминлаш, таълим муҳитида масала ва машқлар ишлаш бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича масала ва машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланмалар яратилди ва улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

2. Тадқиқот муаммосига оид психология, педагогика ва биология ўқитиш методикасига оид адабиётлар таҳлил қилиниб, биологияга оид масала ва машқларни ечишга доир тушунчаларга муаллифлик таърифи берилди. Биология ўқитувчиларининг компетентлиги ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш нуқтаи назаридан такомиллаштирилди.

3. Турли замонавий таълим технологияларини қўллашга доир тажрибаларни таҳлил этиш асосида ўқитувчиларда масала ва машқлар ечиш компетенцияларни такомиллаштиришда биологик, табиий-илмий, умум-касбий ва ихтисослик фанларининг имкониятларини интеграциялаш асосида фанлараро синхрон ва асинхрон боғланишга оид маълумотлар такомиллаштирилди.

4. Биология ўқитувчилари ўртасида ижодий муҳит яратувчи ёндашувлар, биология ўқитувчиларининг касбий компетентлиги даражалари шаклланганлик кўрсаткичлари мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонларига таянган ҳолда табиий фанларни интеграциялаш асосида биологик масала ва машқлар ишлаб чиқиш методикаси ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Халқаро баҳолаш дастурлари PISA топшириқлари бўйича биологиянинг турли йўналишлари (ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, цитология, генетика) бўйича масала ва машқлар ишлаб чиқилди, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари билан муҳокама қилинди ва биологик таълим тизимига татбиқ этиш асосида биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг методик тизими ишлаб чиқилди.

6. Биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган биологияга оид масала ва машқлар, тест торшириқлари тўпламлари ишлаб чиқилди, амалиётга татбиқ этилди, олинган натижалар математик-статистик методлардан фойдаланиб таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида масала ва машқлардан фойдаланиб ўқитиш бўйича қуйидаги тавсияларни шакллантириш имконини берди:

1. Биологиядан масала ва машқлар ечишнинг қулай усулларини излаб топиш, интегратив билимлардан фойдаланиш методикаси ҳамда илмий-методик тайёргарликни такомиллаштириш.

2. Биология ўқитувчиларининг дарс жараёнида мавзу мазмунидан келиб чиқиб, PISA топшириқларининг қуйи, ўрта, юқори даражаларидан босқичма-босқич фойдаланишига эришиш.

3. Ўқувчиларни халқаро ва жаҳон олимпиадаларига тайёрлаш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари профессор-ўқитувчилари маърузалари, реферат, курс, битирув малакавий ишларни тайёрлашда тадқиқот материалларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМАТОВ УЧКУН ЭРГАШЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ ПОСРЕДСТВОМ
ЗАДАЧ И УПРАЖНЕНИЙ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус - 2021

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе в качестве одной из важнейших стратегических направлений определено коренное реформирование содержания и качества образования на всех ступенях системы непрерывного образования, подготовка конкурентоспособных кадров, воспитание гармонично развитого молодого поколения на этой основе. Внимание к образовательной системе признано фундаментом развития экономики всех развитых стран.

В Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены приоритетные задачи по качественному обновлению содержания системы непрерывного образования, а также подготовки, переподготовки и повышения квалификации профессиональных кадров, поэтапное внедрение принципов индиви-дуализации учебно-воспитательного процесса, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в сферу народного образования, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах – по совершенствованию государственной молодежной политики, воспитанию интеллектуально развитого молодого поколения, приведению в соответствие с международными стандартами критериев оценки качества образования в средних общеобразовательных школах, углубленному изучению всех предметов, в частности, биологии. Вместе с тем, подчеркнута необходимость совершенствования школьных учебных программ на основе передового зарубежного опыта, пересмотра учебных нагрузок и предметов, приведения их в соответствие с международными стандартами, повышения качества учебников и учебной литературы.

Внедрение в нашей стране Государственных образовательных стандартов, основанных на компетентностном подходе, организация 11 летнего обучения в общеобразовательных школах, также поэтапное учреждение специализированных базовых на дисциплинах химия и биология школ во всех регионах нашей республики, школ с углубленным изучением химии и биологии во всех районах (городах) страны, в свою очередь, привели к новым потребностям в совершенствовании профессиональной компетентности учителей химии и биологии средней общеобразовательной школы.

Непрерывное совершенствование профессионального уровня и квалификации, профессионально-педагогической компетентности кадров, осуществляющих деятельность в образовательной системе нашей страны, в соответствие с современными требованиями, является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего

специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, №УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, постановлениях Президента Республики Узбекистана №ПП-3289 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки педагогических кадров, переподготовки и повышения квалификации работников народного образования» от 26 сентября 2017 года, №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 12 августа 2020 года, в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №997 «О мерах по организации международных исследований в сфере оценки качества образования в системе народного образования» от 8 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В отечественной и зарубежной образовательной системе осуществлена масштабная научно-исследовательская работа в области совершенствования профессиональной компетентности учителей средней общеобразовательной школы. Такие ученые педагоги нашей страны, как Ж.Йулдошев, А.Абдукодиров, У.Бегимкулов, Н.Азизходжаева, Ф.Юзликаев, Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Н.Гаипова, М.Кодиров, Б.Мирзахмедов, Ю.Махмудов, М.Куронон, О.Куйсинов, К.М.Абдуллаева проводили научные работы в области самостоятельного и творческого подхода в образовании, развития логического мышления, образовательных технологий, компьютерной грамотности, профессиональной компетентности и экспериментальных навыков, являющихся отдельными компонентами компетентностного подхода.

Научно-педагогические взгляды на профессиональные и практические компетенции, компетентность, формирование и мониторинг компетенций учителя находят свое отражение в работах У.И.Иноятова, Б.Х.Ходжаева, Д.Ж.Шариповой, Б.А.Назаровой, М.М.Вахобова, Б.Рахимова, Б.Р.Джураевой, Ж.Э.Усарова и др.

Проблемы повышения квалификации педагогических кадров средних общеобразовательных школ и высших образовательных учреждений освещены в научно-исследовательских работах Н.Муслимова, Ж.Толиповой, Ш.Шарипова, Р.Исянова, К.Абдуллаевой, К.Зарипова, Ш.Мардонова, М.Жуманиёзовой, Р.Жураева, М.Юлдашева, Н.Рахмонкуловой, А.Бахромова, А.Закирова, А.Зуннунова, Ф.Тошевой, З.Маматкуловой.

Исследования в рамках совершенствования методики преподавания биологии, создания концепции преподавания биологии, задач и упражнений

по биологии в системе непрерывного образования, реализации межпредметных связей и совершенствования научно-теоретических основ преподавания биологических дисциплин на основе международных программ оценки проводили специалисты отрасли, как А.Т.Гофуров, С.С.Файзуллаев, О.Мавлонов, Ж.О.Толипова, Г.А.Шахмурова, И.Т.Азимов, Г.С.Эргашева, А.К.Рахимов.

Научные исследования по проблемам повышения интереса учителей к профессиональной культуре и совершенствования их профессиональной компетентности, а также международным программам оценки проводили ученые из стран СНГ и зарубежных государств: О.А. Козырева, Э.Ф. Зеер, А.А. Киверялг, А.К.Маркова, В.А.Якунин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, М.И.Лукьянова, Б.Е.Бершадский, О.Е.Лебедев, А.В.Рубцова, С.Уиддетт, В.В.Сериков, А.К.Колесников, А.И.Санникова, И.В.Гришина, Р.Х.Тугешев, Ю.Г.Татуар, В.Кан-Калик, В.Разумовский, Г.Г.Никифоров, Г.М.Попова, М.М.Боднарук, С.Ю.Модестов, В.С.Аванесов, А.Ю.Пентин, Г.С.Ковалева, Н.С.Кошеленко и др. Кроме того, вопросы разработки дидактических средств повышения эффективности преподавания биологии и эффективного их использования изучали зарубежные ученые М.Berkman, В.Bishop, J.Miller, M.Clores, E.Kose.

Несмотря на реализацию учеными-педагогами масштабного научного поиска, связанного с профессиональной компетентностью учителей, совершенствование естественно-научной грамотности и профессиональной компетентности учителей биологии на основе задач и упражнений по биологии, международных программ оценки в качестве объекта специального исследования не рассматривалось.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта А-1-230 - "Создание учебника "Экология и охрана окружающей среды" и учебно-методического пособия "Экологическое краеведение" плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами.

Целью исследования состоит в совершенствовании профессиональной компетентности учителей биологии средних общеобразовательных школ посредством задач и упражнений.

Задачи исследования:

